

Уҳуд титраб кетди



10:40 / 25.06.2021 5075

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд (тоғи)га кўтарилдилар. У зот билан бирга Абу Бакр, Умар ва Усмон бор эди. Тоғ уларни титратди. Шунда у зот оёқлари билан бир уриб, «Собит тур, эй Уҳуд! Сенинг устингда Набий, Сиддиқ ва икки шаҳид турибди» дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Аллоҳ таоло тоққа сезиш, яхши кўриш хусусиятини ато қилган. Уҳуд тоғи ўзининг устига чиққан зотларнинг кимлар эканини яхши биларди. Шунинг учун севинчдан, ҳайбатдан титраб кетди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Набий деганда ўзларини назарда тутганлар. Сиддиқ деганда Абу Бакр розияллоҳу анҳуни

айтганлар. Чунки Абу Бакр розияллоху анху Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳар бир айтган гапларини, Исроъ ва Меърож ҳодисаларини дарҳол тасдиқлаганлари учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам у кишига Сиддиқ лақабини бергандилар.

Қолаверса, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам мазкур ҳадисда Умар розияллоху анху ва Усмон розияллоху анхунинг келажакда шаҳид бўлишларининг хабарини бермоқдалар. Албатта, келажакда уларнинг шаҳид бўлишларини у зоти бобаракотга Аллоҳ таолонинг Ўзи билдиргандир.

Дарҳақиқат, мазкур икки саҳобий ҳам шаҳид этилдилар. Умар розияллоху анхуни намоз пайтида бир мажусий шаҳид этган бўлса, Усмон розияллоху анху ўз уйларида Қуръони Каримни тиловат қилиб турганларида бир гуруҳ мунофиқлар томонидан шаҳид этилдилар.

Уҳуд тоғи билан боғлиқ тарихий воқеалардан бири Уҳуд ғазотидир. Ушбу ғазот ҳижрий 3-санада тоғ этагидаги майдонда бўлган.



Сиз расмда кўриб турган тоғ Аллоҳ таолонинг энг севикли Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни, пайғамбарлардан кейин инсониятнинг афзали бўлган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни, адолат бобида барча раҳбарларга намуна бўлган Умар розияллоҳу анҳуни, инсонлар у ёқда турсин, ҳатто фаришталар ҳам ҳаё қилган Усмон розияллоҳу анҳуни ва бошқа кўп саҳобани кўрган Уҳуд тоғидир.

Ҳаж, Умрага борган ҳожи ва зиёратчилар тоғни ва Уҳуд ғазотида шаҳид бўлган саҳобалар мақбарасини зиёрат қилиб, Қуръони Карим тиловати қиладилар ва савобини уларнинг руҳига бағишлайдилар.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади